



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М М И

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 92 (11.653)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI сadosi

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Тошкентда «Фонд форум», «Осиё рамзи» модельерлар ассоциацияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Болажонлар — ширинтойлар — 2010» болалар либослари фестивали якунланди.

• Инкирозга қарши чоралар дастури доирасида Бухоро вилоятидаги «Жондормегатекстилсервис» масъулияти чекланган жамиятида янги бўйша цехи ишга туширилди. У маҳсулот таннархининг 20 фоизга арзонлашуви ҳамда сифатининг кескин яхшиланишига олиб келди. Натижада корхонанинг экспорт салоҳияти сезиларли даражада ошди.

• Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Миллий гоё» фани бўйича олимпиаданинг республика босқичи бошланди. Унда олимпиаданинг туман ва вилоят босқичларида энг билимдон деб топилган талабалар гуруҳлари иштирок этмоқда.

• Чортоқ туманидаги Ойқирон қишлоғида «Умаров Раҳимжон» тўқимачилик корхонаси иш бошлади. Айна пайтда бу ерда миллий мато — атласнинг ўндан ортиқ тури тайёрланмоқда.

• Хоразм вилоятидаги «Ҳазорасп агрегатмаш» масъулияти чекланган жамиятида «Нексия» ва «Дамас» автомобиллари учун 13 турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлига қўйилди. Бунда ўтган йили корхонага Жанубий Кореянинг замонавий технологиялари ўрнатилиши қўл келди. Ушбу корхонада жорий йилнинг биринчи чорағида 300 миллион сўмлик бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилган бўлса, йил охирига қадар яна 1,2 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

• Наманган вилоятида чекка тоғли қишлоқларни газлаштириш ишлари ниҳоясига етмоқда. Жумладан, яқинда Исковутдан бошлаб Ҳазратшоға қадар 7 та қишлоққа табиий газ ўтказилди. 29 километрдан ортиқ табиий газ тармоғини ўтказиш ишларига икки миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

• Афғонистон президенти Ҳамид Карзай тўрт кунлик расмий ташриф билан АҚШга келди. Кеча Оқ уйда Ҳамид Карзай ҳамда АҚШ президенти Барак Обама иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• Кеча Испания ҳукумати томонидан мамлакатда бюджет тақчиллигини камайтириш учун қўлланладиган янги чора-тадбирлар эълон қилинди.

• Европа комиссияси Эстонияни евроҳудудга қабул қилишни тавсия этди. Эстониянинг 2011 йилдан евроҳудуд иштирокчисига айланиши кутиляпти. Бу ҳақдаги қонун жорий йилнинг март ойида қабул қилинган. Унга биноан январнинг дастлабки икки ҳафтаси мобайнида мамлакатда миллий валюта — крона ва евро бирдай муомалада бўлади.

• Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, шу кунгача Мексика кўрфазидаги нефть қазииш платформасида юз берган портлаш оқибатида 15 миллион литрдан ортиқ нефть денгизга оқиб чиққан. Бугун «Бритиш Петролеум» компанияси мутахассислари 1,6 километр чуқурликдаги нефть кудуғи оғзини янги мослама билан ёпиш бўйича иккинчи уринишни амалга оширадидлар.

• Кеча эрталаб Йоханнесбургдан парвоз қилган Ливия ҳаво йўлларига тегишли «Airbus A-330-200» самолёти Триполидаги халқаро аэропортга қўниш чоғида портлаб кетган. Фожиа натижасида экипаж аъзолари билан бирга тўққизта мамлакат фуқаролари бўлган 103 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган. Фақат мўъжиза туфайлигина голландиялик саккиз ёшли боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Ҳозирда қора қутилар топилиб, ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

• Ироқнинг бир нечта шахрида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари натижасида юздан ортиқ киши ҳалок бўлди, юзлаб аҳоли тан жароҳатларини олди. Айниса, Эл-Хилла шахрида катта йўқотишлар юз берди. Ироқ махсус хизмати мутахассисларининг фикрича, содир этилган барча портлашлар ягона марказдан туриб бошқарилган ва бу хунрезликни «Ал-Қоида»нинг Ироқдаги бўлими ташкил этган бўлиши мумкин.

ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Пойтахтимизда давом этаётган «Ўзбекистон нефть ва газ — OGU 2010» ўн тўртинчи халқаро кўргазмаси доирасида Ўзбекистон иқтисодиётининг нефть-газ соҳасига сармоя ва инновациялар жалб этишга бағишланган халқаро конференция очилди.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси томонидан «ITE Uzbekistan», «I.T.E. Exhibition & Conferences» (Буюк Британия) каби халқаро кўргазма компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда ўттизга яқин мамлакатдан беш юздан зиёд олим ва мутахассис иштирок этмоқда.

Конференцияда мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида, жумладан, нефть-газ соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон улкан углеводород захиралига эга. Мамлакатимизда нефть-газ соҳасининг янги иншоотларини барпо этиш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари жадал давом этмоқда. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси 2009 йилда маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 38 лойиҳани амалга оширди. Замонавий технологиялар асосида ўтказилган сейсмик қидирув ишлари натижасида 47 истиқболли кон аниқланди, бургулашга тайёрланди.

«Ўзбекнефтгаз» билан ўн йилдан буён «Газпром», «Лукойл» (Россия), «KNOG», «Kogaz» (Корея), «Petronas Carigali Overseas» (Малайзия) каби нуфузли компаниялар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биргаликда геология-қидирув ишларини ўтказиш, нефть ва газ конларини ўзлаштириш борасида қатор йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилаётган. Хусусан, 2009 йили чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 19 сармоявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

— «Ўзбекнефтгаз» билан ўн йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаямиз, — дейди Буюк Британиянинг «Tethys Petroleum Limited» компанияси бошқаруви раиси Дэвид Робсон. — Мамлакатимизда нефть-газ соҳасида инфратузилмаси йил сайин такомиллашиб бораётгани алоҳида таъкидлашни истардим. Хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлик учун қўлай шароит яратилган. Бу хориж сармоядорларининг мамлакатимизга инвестиция киритишга қизиқишини тобора оширмоқда. Биз ҳам ўзaro сармоявий ҳамкорликни янада хусусийлаштириш ниятидамыз.

Конференциянинг биринчи кунини «Ўзбекнефтгаз», «Ўзбекистон GTL», «Ўзбекгеофизика», «Andburservis» (Ўзбекистон), Италия-Ўзбекистон савдо палатаси, «КазМунайГаз» (Қозғоғистон), «Worley Parsons», «Tethys Petroleum Limited» (Буюк Британия) каби йирик компаниялар раҳбар ва мутахассисларининг нефть-газ соҳасига илгор ва экологик тоза технологияларни жорий этиш, тармоқни модернизация қилиш, ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сармоя жалб қилишга доир маърузалари тингланди.

— Ўзбекистон кўплаб мамлакатларга энергия манбалари етказиб беради, — дейди «Теквин» компанияси вице-президенти, Италия-Ўзбекистон савдо палатаси раиси Луизи Иперти. — Юртингизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида барча соҳалар, жумладан, нефть-газ соҳасини изчил ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор ишбилармонлар фаоллигини оширмоқда.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда нефть ва газ қазииш олиш кўпайтириш ҳамда энергетик хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, «Навий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган қўлай сармоявий муҳит ва имкониятлар, инновацион технологиялар, шунингдек, юртимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар билан танишдилар.

Икки кун давом этадиган анжуман қатнашчилари нефть-газ соҳасини ривожлантириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, соҳага сармоя киритиш, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда углеводород конларини ўрганиш ва ўзлаштиришни такомиллаштириш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, Ўзбекистон ҳудудида янги конларни аниқлаш, ишга тушириш, халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА муҳбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Уларнинг қобилияти ва иқтидорига тан берган ҳолда ҳайрат ва гурур ҳисси жўш ураётган тенгқурлари, ота-оналар муҳлис сифатида қўллаб-қувватлашмоқда.



— Ўз тарбияланувчиларимиз билан ҳар кун учрашиб, мулоқотда бўлсакда, аммо биз учун ҳам бу ерда кўп нарса янгилик бўлди, десам муболага эмас, — дейди Мирзо Улуғбек тумани ўқувчилар ижодиёт маркази директори Хусниддин Исмоилов. — Авваламбор бутун пойтахтимизнинг ижодкор болаларини мана шундай гўзал табиат манзарасига уйғун равишда жам этилганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бундай кенг қамровли намоиш жараёнида ҳамкасбларимиз билан мулоқотда бўлиб, болаларимиз эришган ютуқларини бошқа ижодий марказлар ва киллари билан солиштиришга ҳам муваффақ бўлдик. Қаердадир устунлик борлигини англадик, шу билан бирга тажриба алмашиш имконияти ҳам юзга келмоқда. Очигини айтиш керак, бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди. Мактаблараро, туманлар кесимида кўргазмалар аънанга айланиб қолган, бироқ юздан зиёд болалар ижодиёт муассасалари салоҳиятини, шу жумладан айрим жамоат ташкилотлари қошидаги тўғарақларни ҳам қамраган ҳолда бирданига намоиш этиш осон бўлмасда, бироқ бу иш удаланди. Бизнинг туман болалар ижодиёт марказининг ўзида 400 дан зиёд йўналишлар бўйича 51 та тўғаракка 4,5 мингдан зиёд бола жалб этилган бўлса, шаҳар миқёсида бу рақамлар қанчали ташкил этишини тасаввур қилиб кўринг. Шундай экан, фурсати келганида, ташкилотчилар ва ташаббускорларга, бундай му-



Ижтимоий лойиҳалар

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

раккаб вазифани қўйиллатиб ташкил этганликлари учун ота-оналар, ўқувчилар, педагоглар но-



мидан миннатдорчилик билдириб қоламиз.

Авал хабар берганимиздек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Куч — билим ва тафаккурда» шиори остида пойтахтимиздаги барча мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳамда уларда таълим-тарбия олаётган болаларнинг ижодий салоҳияти кўргазмаси бўлиб

ўтмоқда. Туманлар ва шаҳар миқёсида фаолият юритаётган ижодиёт марказларида ўғил-қизлари



таълими бош бошқармаси ва бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган икки кунлик кўргазма мактаб ўқувчиларини беғул фаолият юритаётган ижодиёт марказлари, «Камолот» ЁИХ, «Ватанпарвар» ташкилоти қошида очилган турли йўналишдаги тўғарақлар иши билан таништириш қаторида, бу ерда ўқув йили давомида, шунингдек, таътил даврида ҳам шугулланишга жалб этишга қаратилган.

Кўргазма давомида болалар бевосита қизиққан машғулотлари бўйича тўғарақларга ёзилиб, шу кундан бошлаб уларнинг ҳақиқий аъзоларига айланиш имкониятига ҳам эга бўлмоқда.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА
СУРАТЛАРДА:
кўргазмадан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигида хотин-қизлар қўмитаси қошидаги «Раҳбар аёллар» клубининг «Саломатлик маданияти — соғлом турмуш тарзининг асоси» мавзусида навбатдаги семинар-тренинг ўтказилди.

✓ **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги 106-маҳсус мактаб-интернатда «Шодлик» маданият уйи қошидаги халқ театри ҳамкорлигида «Эртақлар оламига саёҳат» мавзусида театрлаштирилган томоша ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида миллий рақс ижрочиларининг Мукаррама Турғунбоева номидаги шаҳар кўрик-танлови ўтказилди.

✓ **ТУРИЗМ** коллежини мустаҳкамлаш мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтади.



Аҳоли саломатлигини сақлаш, турли касалликлардан муҳофаза қилишда сўзи ширин, қўли енгил шифокор ва ҳамшираларнинг хизматлари беқиёсдир. Оиламизда кимдир хасталикка чалиниб қолгудек бўлса, албатта бу ёруғ олам кўзимизга қоронғу бўлиб, кўнглимизга ҳеч нарса сизмайди. Дарҳол нажот сўраб, саломатлигимиз посбонларига мурожаат этамиз.

ЗУККО ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШДИ

Саломатлигимизни мустақкамлашда муносиб ҳисса қўшаётган бу шарафли касб соҳибларини ҳамisha эъзозлаймиз, қадрлаймиз. Ҳар йилги анъанага кўра, Халқаро ҳамширалар кунига бағишлаб «Ҳамшира-2010» кўрик-танлови ўтказилади. Кунга кеча мазкур тадбирнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Саломатлик ва тиббий статистика институти филиали, «Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ЕИХ ҳамкорлигида ташкил этилган танлов босқичида тиббиёт муассасаларининг ҳамширалари беллашди. Ун бир нафар оқиладан лобар қизлар тиббиётга оид назарий ва амалий билим, ҳамшира ташрифидан

бадий кўрик каби бешта шарт бўйича билим ва тажрибасини синновдан ўтказди. Ҳамшираларнинг ҳар бир чиқиши ҳайрат аъзолари томонидан баҳолаб борилди. — Ҳамшира деганда, кўз ўнгингизда қалби пок оқ халатли касб эгалари намоён бўлади, албатта. Уларни нажот фаршталари десак, хато бўлмайди. Ҳамширасиз тиббиётни тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди Чилонзор туманидаги 35-оилавий поликлиника бош шифокори Саодат Ҳамидова. — Танловдан

тўрлик маҳоратини ҳам намоён этиб, олқишларга сазовор бўлди. Якуний натижаларга кўра Учтепа туманидаги Шошилинь тиббий ёрдан клиник шифохонаси ҳамшираси Шохиста Иноятва биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Мирзо Улуғбек туманидаги 2-болалар жарроҳлик клиник шифохонаси ҳамшираси Саулехон Алибоева ва Чилонзор туманидаги 35-оилавий поликлиника ҳамшираси Наргиза Одилова сазовор бўлишди. Совриндорлар ташкилотчилар томонидан совғалар билан тақдирланди. **Дилором ИКРОВА СУРАТЛАРДА: «Ҳамшира-2010» танловидан лавҳалар. Козим Улмасов олган суратлар**

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида юртимиз таълим жараёнига янги педагогик технологиялар, электрон дарсликлар ва мультимедиа воситаларининг кенг жорий этилаётгани таълим самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Халқаро таълим стандартлари даражасига эришишда халқаро лойиҳалар, донор мамлакатларнинг бегараз грант маблағлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳаммадиниёвнинг 2009 йил 20 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасига грантли бегараз техника кўмакни жалб этишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омили бўлаётди.

Юртимизда амалга ошириляётган «Меҳнат бозори талабларига йўналтирилган ахборот коммуникация соҳасида касбий таълим» Ўзбекистон-Германия ҳамкорлик лойиҳаси яхши натижа бермоқда.

2003 йилнинг март ойидан бошланган мазкур лойиҳанинг биринчи босқичига асосан юртимиздаги ахборот технологиялари касб-хунар коллежаларининг моддий-техник, норматив-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

— Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Германия ҳукумати томонидан қарийб 9 миллион евро миқдорда имтиёзли кредит ҳамда бир миллион евродан ортиқ миқдорда грант маблағлари ажратилди, — дейди ўЗА муҳбирига Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти (GTZ) лойиҳа раҳбари Томас Люкс. — Натижада ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида учта йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш йўлига қўйилди.

Хозирда мамлакатимиздаги 32 та касб-хунар колледжидан 12 мингдан зиёд ўқувчи ушбу янги касблар бўйича жорий қилинган ўқув дастурлари асосида таълим олмоқда. Ушбу коллежлар 2006-2008 йилларда Германиянинг «Lukas Nuelle» ҳамда «Fujitsu Siemens Computers» компаниялари ўқуналар билан жиҳозланди.

2008 йил февраль ойига қадар давом этган лойиҳа натижалари халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар вакиллари иштирокидаги нфузули анжуманда мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Бу эса «Меҳнат бозори талабларига йўналтирилган ахборот коммуникация соҳасида касбий таълим» Ўзбекистон-Германия ҳамкорлик лойиҳасининг иккинчи босқичи амалга оширилишига замин ҳозирлади. Дастлабки босқичда касб-хунар коллежларида тайёрланган соҳа мутахассисларини доимий иш билан таъминлаш иккинчи лойиҳанинг асосий мақсадидир.

Бу борада Германия техникавий ҳамкорлик ташкилотининг ўқув курсларда 256 нафар мутахассис хорижий экспертлар ҳамкорлигида касб маҳоратини оширди.

Шунингдек, коллеж ўқувчиларининг оралик ҳамда битирув имтиҳонларини ўтказишнинг ягона тизими яратилиб, бу лойиҳада қамраб олинган барча касб-хунар коллежларига татбиқ этилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети дастурчи-мутахассислари иштирокида интернетда ўрта махсус касб-хунар таълими мониторингининг электрон тизими яратилди ва унинг дастурий таъминоти 2009 йилнинг биринчи ярмида ишга туширилди.

Таълим соҳасида амалга ошириляётган бундай халқаро ҳамкорлик ёшларни ўз қизиқиши бўйича касбга йўналтириш ва уларнинг етуқ кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилаётди.

Гўзал САТТОРОВА

2010 йил — Баркамол авлод йили

Илм шундай нурки, ундан баҳра олган ҳар бир ўғил-қиз албатта зукко, комил бўлиб вояга етади. Илм сарчашмасидан сув ичган ва истеъдоди ила буюк кашфиётлар яратган аждодларимизнинг номлари жаҳон тарихи зарваракларидан ўрин олгани яхши маълум. Уларга муносиб ворис бўлишда бугунги мустақил юртимиз ёшлари бор куч ва имкониятларини сафарбар этаётганининг гувоҳимиз.

ўндан зиёд илмий мақолалари чоп этилди, телевидениеда ҳам 20 га яқин лавҳа, репортаж ва саҳифалар тайёрлашга улгурди. Бу билан Хадия бўлажак касбининг фидойиси бўлишга ҳара-

тишда катта масъулия ҳам талаб этади. Келажак пойдевори бўлган ёшларнинг ҳар томонлама етуқ бўлишини, албатта, биринчи навбатда оилага ва мактабга боғлиқ деб ўйлайман. Бироқ бу

жаҳда ўз илмий ишларим билан шу мавзуни янада кенгайтириб ривожлантиришни, юртимиз ёшлари билими ва тафаккури нечоғлик ўткир, зехли эканлигини бутун дунёга намоёйиш этишни ният қилдим. Шу йўналишда туркум интеллектуал кўрсатувларни ташкил этиб, илмга чанқоқ тенгдошларимни атрофимга чорламоқчиман.

Албатта, илм ҳазинадир, мана шу ҳазинадан баҳра олган ҳар бир ўғил-қиз эртанги кунимизнинг муносиб эгалари саналади. Бу сарчашмадан бебаҳра қолмайлик. Биз ўз келажакимизни ўзимиз қураб эканмиз, пойдевор мустақам бўлиши лозимлигини унутмайлик. Юртбошимиз раҳнамоликларида бизлар учун яратилган имкониятлар ҳар биримизга насиб бўлсин.

Миржамол ХАТАМОВ, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси

ЭРТАНГИ КУН ЭГАЛАРИ

кат қилаётганлигини намоён этмоқда. — Бугунги кунда билим ва тушунчаларимизни оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир, — дейди биз билан сўбатда Хадия. — Айни глобаллашув жараёнида эса, менинг назаримда, айниқса телевидениенинг аҳамияти ўзгача. Бугунги кунда битирув-маалакавий ишимда «Интеллектуал кўрсатувларнинг пайдо бўлиши ва манбалар билан ишлаш» мавзусини ёритишга ҳарақат қилмоқдаман. Шахсан мен учун бу мавзу қизиқ ва ёри-

борада матбуотнинг ўрни ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Бугун имконият бор экан, кўпчилик ҳоҳ у етти ёш ёхуд 60 ёшли инсон бўлсин, сунъий йўлдош орқали ҳар хил кўрсатувларни томоша қилади. Тарбия масаласига келсак, бу кўрсатувларни ким онгидан қандай ўтказиб, англайди деган саволга бирдай жавоб бериш қийин. Демак, тележурналистлар, жумладан, биз, бўлажак мутахассислар ҳам бу ҳақда мушоҳада қилиб иш юритишимиз даркор... Интеллектуал журналистикага қизиққанлигим боис кел-

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМКОНИЯТ

Туризм касб-хунар коллежида 9-синф битирувчилари учун «Очиқ эшиклар кун» ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг билим олиб, касб-хунар эгаллаши учун барча шароит яратилгани алоҳида таъкидланди.

Жойларда ўтказилаётган «Очиқ эшиклар кун» тадбирлари мактаб битирувчиларини ўз келажакини ўзи белгилаши, қизиққан касбни

танлашида кенг имконият яратмоқда.

Тадбирда мактаб битирувчилари Тошкент Туризм касб-хунар коллежи ва шаҳардаги бошқа маиший хизмат кўрсатиш коллежларидаги таълим йўналишлари, уларда яратилган шароит ва имкониятлар билан яқиндан танишди.

Х.САЛИМОВ, ўЗА муҳбири

Таълим

ИЛМ БИР ҲИКМАТДИР

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида Баркамол авлод йили муносабати билан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда институтда «Баркамол авлод тарбияси ва унинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилди. Унда 27 нафар магистрант ўз мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқ ҳолда тайёрланган маърузалар билан қатнашди. Янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар асосида ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини ўзбек, рус ва инглиз тилларида баён қилди.

Тадбирда XXI асрнинг энг глобал муаммоларидан бўлмиш экология ҳақида мулоҳазалар билдирилди, кенг қамровли интеграциялашув жараёнини раҳнамолик таҳдидларнинг олдини олиш масалаларида ҳам баҳс юритилиб, таклифлар ҳам киритилди.

«Маданиятшунослик» ва «Ижтимоий-маданий фаолият рекламаси» мутахассисликлари бўйича магистрантлар Шодия Раҳимова ва Ҳилола Шофайзиеваннинг хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳамда рекламага оид мавзулардаги маърузалари кўпчилик эътиборини тортди.

ЁШЛИК ВА ЖЎШҚИНЛИК БАЙРАМИ

Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида анъанавий «Талабалик баҳори» фестивали ўтказилди.

Талаба-ёшлар қаторида профессор-ўқитувчилар иштирок этган бу маданий-маънавий тадбирнинг ташкилий жиҳатдан даражаси йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу йилги фестиваль ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Тўртта факультет ва олий ўқув юрти қошидаги иккита академик лицей жамоалари санъатнинг турли йўналишлари бўйича беллашди. «Ташкилни ташкил этиш ва бошқарув» факультети жамоасининг чиқишлари барчаннинг олқишига сазовор бўлиб, энг кучли деб тан олинди. Факультет талабалари томонидан тайёрланган бири-бирдан қизиқарли саҳна томошалари, дилрабо куй-қўшиқлар, шўх рақслар йиғилганлар эътиборини тортди.

Фестивалда фаол иштирок этган Д.Эшметова, Ф.Тошқулов ва Э.Рўзиеваннинг чиқишлари томошабинлар томонидан юсак баҳоланди. Яқин кунларда фестиваль голиблари аниқланиб, уларни тантанали тақдирлаш маросими ўтказилади.

Гулором ХАМИДОВА

ОЛИМЛАР ИЗЛАНИШЛАРИ САМАРАСИ

«Электроакустика» ўқув қўлланмаси шу соҳада ўзбек тилида чоп этилган дастлабки ўқув адабиёти сифатида эътиборлидир. Тошкент Ахборот технологиялари университетининг «Телевидение ва радиоэшиттириш» кафедраси томонидан босмага тайёрланган бу нашр Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг учинчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Кафедра олимлари изланишлари натижаси ўлароқ радиотехника, радиоалоқа ва телерадиоэшиттириш йўналишларида қатор ўқув адабиётлари яратилган муваффақ бўлинди. Доцент Масъуд Зупаров томонидан эса москвалик мутахассислар билан ҳамкорликда ўтказилган тадқиқотда «Радиоэшиттириш ва электроакустика» фанининг муҳим йўналишлари ўз аксини топди.

Акбар АЛИЕВ

ЖУМЛИК ЭЛЕАСТУРЛАР

Давоми. Боши 3-бетда.

Тошкент

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!»... 8.30 «Эко-Поитакх»... 8.40 «Карвонсарой»...

ТВ

05.00 Т/с «Таксикат». 05.00 «Сегунда утром». 07.30 «Следствие вели...»...

Тошкент

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!»... 8.30 «Эко-Поитакх»...

ТВ

05.00 Т/с «Таксикат». 05.00 «Сегунда утром». 07.30 «Следствие вели...»...

Тошкент

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!»... 8.30 «Эко-Поитакх»...

ТВ

05.00 Т/с «Таксикат». 05.00 «Сегунда утром». 07.30 «Следствие вели...»...

Тошкент

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!»... 8.30 «Эко-Поитакх»...

ТВ

05.00 Т/с «Таксикат». 05.00 «Сегунда утром». 07.30 «Следствие вели...»...

Тошкент

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!»... 8.30 «Эко-Поитакх»...

ТВ

05.00 Т/с «Таксикат». 05.00 «Сегунда утром». 07.30 «Следствие вели...»...

Тошкент

7.25 Курсатувлар тартиби. 7.30 «Салом, Тошкент!»... 8.30 «Эко-Поитакх»...

ТВ

05.00 Т/с «Таксикат». 05.00 «Сегунда утром». 07.30 «Следствие вели...»...

Спорт

7.00 «Хайрли тонг!»... 7.05 Анонс... 7.10 «Хайрли тонг!»...

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Шанба, 22

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Ўзбекистон

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Первый канал

00.00, 08.05 Телеканал «Доброе утро»... 08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости...

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Манзиллимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки КУТИЛМАГАН ВОҚЕА Ўзбекистонда илк бор! 2010 йил 17 апрелдан бошлаб 16 майга қадар Тошкент циркининг манежидида шу вақтгача уюштирилмаган томоша — «Дельфинлар шоуси» нобб аттракционни ўтказилади.